# ОЛАМНИ АСРАНГ, АЗИЗЛАР!

## ТЎПЧИ ЖАСОРАТИ

Теварак-атрофни бир зумда қуюн қоплади. Устма-уст портлаётган бомбалардан на кўз очиб бўлади, на бош кўтариб. Оғир зарбалардан ер титрайди, димоққа аччиқ дуд, кўнгилни беҳузур қилувчи куюнди ҳиди уради. Бошлар устидан, ёнгинадан ажал уруғи — бомба парчалари даҳшат солиб, чийиллаб ўтиб кетади. Гумбур-гумбурлардан қулоқлар том битган.

Ниҳоят ҳаммаёқ бирдан жим-жит бўлиб қолди. Сукунатни окоплардаги ярадорларнинг инқиллашлари, ўқтин-ўқтин бақириқ-чақириқлари бузади. Ҳаво ҳужуми тугади. Лекин бу навбатдаги танк ва пиёдалар ҳаракатининг бошланиши даракчиси эди. Шунинг учун тўпчилар, пиёдалар ҳушёрликни оширдилар. Орадан кўп ўтмай кимдир қичқирди:

— Танклар!

— Тўплар ўқлансин! Нишон аниқ олинсин! — деган буйруқ янгради.

Муҳиддин снарядни эпчиллик билан тўпга жойлаштирди ва нишон олувчига «тайёр» ишорасини қилди. Шу пайт немис танкининг биринчи снаряди улардан 40—50 метрлар узоқда портлади.

— Танкларга қараб ўт очилсин!

Атрофни даҳшатли гумбурлашлар, снаряд парчаларининг чийиллаб учишлари, ярадорларнинг оҳ-воҳлари тутиб кетди. Ўқловчи Муҳиддиннинг қўли қўлига тегмай қолди. Тўп оғзидан олов пуркаб, немис танкларига қирон келтираяпти. Қуюқ тутун бурқсиб, жойида михланиб қолаётган танкларни, улардан чиқиб, қочмоқчи бўлган немисларни тутдек тўкилаётганини кўриб тўпчиларнинг ғайрати ошади. Айниқса Муҳиддин завқини яширолмайди:

— Бу кунингдан баттар бўл, тўнғиз қопгурлар. Шум ниятли бошларингни ғалвир қилмасак, юрган эканмиз...

Негадир тўпларнинг овози сустлашиб қолди. Немис танклари эса позицияга жуда яқинлашиб келарди. Шунда ўзини тутолмаган Муҳиддин: «Отсанг-чи!!!», дея бақириб юборди-ю бирдан ўзи ҳам бўшашиб кетди. Снаряд яшчиги бўм-бўш эди. Атрофни қараб кўрди, бирonта ҳам қолмабди. Дард устига чипқон деганларидек, шериги ҳам яраланган. Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ. Муҳиддин шаҳд билан орқага ўрмалаб кетди. Машинада келтирилган снарядлар дарё-нинг у қирғоғида қолиб кетганди. Муҳиддин ўша томон ошиқди. Лекин снаряд солинган яшчик зил-замбил эди, жангчининг елкасини эзиб юборди. У душманга нисбатан қаҳр-ғазаб, Ватан меҳри кишига куч-қувват бағишлашига шунда ишонди. Елкалари шилиниб, вужуди зирқираб оғриса-да, тўпга снаряд ташиб келтириб турди. Унинг дадиллиги бошқаларга далда бўлиб, уларни ҳам ҳаракатга келтирди. Тўплар яна «сайрай» бошлади. Душман танклари чекинди. Уруш уруш-да, Муҳиддин Жаҳонгиров кўкрагидан қаттиқ яраланди. Икки ой даволанишга тўғри келди.

Жангдаги жасорати, дадиллиги муносиб тақдирланганлигини дивизияга келиб эшитди. Унга III даражали Шуҳрат ордени берилди.

...Жаҳонгиров немис-фашист газандаларига қарши жангни 1942 йилнинг июнь ойида Воронеж шаҳрида бошлаган эди. Кейинчалик Белоруссия, Польша, Пруссия шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Шу даврда уч марта қаттиқ яраланди, лекин даволангач, яна жангга кирди. Жасурлиги учун 1944 йили II даражали Шуҳрат ордени, кейин эса Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди. Ғалабани Болтиқ денгизи бўйида кутиб олган Муҳиддин акани яна бир мукофот кутарди. Урушнинг охирги кунларида кўрсатган жасорати учун унга I даражали Ватан уруши ордени берилди.

1945 йилнинг ноябрь ойи. Навандак қишлоғидагилар Муҳиддин Жаҳонгировни илиқ кутиб олишди. 1945 йилнинг ноябрида уни пахтачилик звеносига бошлиқ этиб сайлашди, кейин бригадир бўлди. Қишлоқ хўжалик техникумини тугатгач, 22 йил агроном бўлиб ишлади. КПСС сафига ўтди. Қаерда, қайси вазифада ишламасин ўзининг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги, жонкуярлигини, тадбиркорлигини намойиш этди. 1987 йили Хатирчи ноҳиясидаги Акмал Икромов номли давлат хўжалиги меҳнаткашлари Муҳиддин Жаҳонгировни ҳурмат билан фахрийликка кузатишди.

**Н. ЧУТБОЕВ.**

## ҲАЁТ ҚАДРИ



Немислар яна қарши ҳужумга ўтишди. Улар қандай бўлмасин муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган тепаликни қўлга киритиш учун барча куч билан ҳаракат қилишарди. Шу пайт миномётлар тилга кирди. Еру-кўкни қора қуюн қоплади. Фашистлар катта талафот бериб, орқага чекиндилар. Учинчи куни душман мадад кучлари кўмагида старшина П. Сайдазимов бошқараётган миномётчилар устига ёпирилди. Қўл жанги бошланди. Совет жангчилари бир қадам ҳам орқага чекинишмади. Ҳар қарич ер учун жон олиб, жон беришди. Ниҳоят, бу гал ҳам босқинчилар улоқтириб ташланди.

Қўмондонлик мазкур тепаликни эгаллаш чоғида мардлик, қаҳрамонлик кўрсатган миномётчиларни муносиб тақдирлади. Старшина Парпишер Сайдазимовнинг кўксини Ватан Уруши ордени безади. Ўзбек ўғлони оловли йилларда не-не қийинчиликларни бошидан кечирмади. Яраланиб, қайта жангга кирди. Кўп ўтмай у Қизил Юлдуз орденига сазовор бўлди.

Она қишлоғига ғалаба билан қайтган жасур жангчи ўзини меҳнат кучоғига урди. МТСда агроном бўлиб ишлади. Комсомол йўлланмаси билан халқ милициясига ишга ўтди. Ички ишлар бўлимининг ходими сифатида ибратли фаолият юритди. 1961 йилда Ўрта Осиё темир йўли Наманган ишчилар таъминоти бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Ғалча қишлоғи кишилари унга катта ишонч билдириб, Ўзбекистон ССР халқ депутати этиб сайладилар. Халқ вакили улуғ ишларга бош-қош бўлмоқда. Унинг жонбозлиги, ташкилотчилиги туфайли Намангандаги Дўстлик проспектида ажойиб оромгоҳ барпо этилди. Навоий кўчасида «Саҳоват» ошхонаси ишга тушди. Бу ерда уруш ногиронларига, муҳтож кишиларга бепул овқат берилади. 9-май — Ғалаба куни, ўзининг табаррук 70 ёшини нишонлаётган Парпишер ака Сайдазимов шундай дейди:

— Лаънати уруш халқимиз бошига не-не кулфатларни солмади. Оловли йилларни бир-бир кўз ўнгимдан ўтказсам, бутун вужудимни совуқ тер босади. Ҳозирги вақтдаги баъзи қийинчиликлар у азоблар олдида нима бўлибди. Яна қўлни қўлга берсак, ҳар ким ўз жойида сидқидил тер тўкса, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлиши шубҳасиз. Ҳаётни севайлик, бир-биримизни қадрлайлик.

**Абдулла ЖАМИЛ.**

## ОРДЕН ЭГАСИНИ ТОПДИ

Ёш муаллим Бобо Аълоев 1943 йилнинг август ойида Ватан ҳимоясига отланди. Не-не жангу жадалларда мардлик, қаҳрамонлик кўрсатди. Смоленск учун бўлган жангда қаттиқ яраланди. Калуга шаҳри госпиталида даволанди. Сўнгра Белоруссиянинг Орша шаҳри учун бўлган олишувларда иштирок этди. Оддий аскар Аълоевнинг полкдошлари Румыния, Венгрия шаҳар ва қишлоқларини фашистлардан тозаладилар. Айниқса Будапешт шаҳри, Балатон кўли бўйидаги жанглар унинг кўз олдидан кетмайди.

— Оддий аскар Аълоев, бир қадам олдинга.

Ўзбекистонлик жангчи сафдан ажралди.

— Солдатлар билан разведкага!

Сўнгги жангдан кейин ўн соат мобайнида душман битта ҳам йўқ узмади. Чамаси яна ҳийла ишлатаётганди. Ён-атроф жим-жит, уруш бўлмаётгандек. Вазиятни аниқлаш керак. Душман қўққисдан ҳужум қилишни мўлжаллаяпти чоғи. Бу вазифа Бобо ва унинг қуролдош дўстлари чекига тушди. Разведкачилар не машаққатлар билан мўлжалланган ерга етиб боришди. Ўта синчковлик билан душманнинг ўт очиш нуқталари харитага туширилди. Қайтишаётганида немис офицери автоматни сайратди. Аълоевнинг елкаси илма-тешик бўлиб кетди, ҳушсиз ерга йиқилди.

Госпиталда узоқ вақт даволанди. Комиссия уни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топди. Ғалаба бонги янграганида ўзбекистонлик жангчи Арманистондаги госпиталда эди. Хушхабардан қалби қувончга тўлган йигит муҳим топшириқларни бажаришдаги қаҳрамонлиги учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланганлигидан бехабар эди. Қарангки, 22 йилдан кейин орден эгасини топди. Ҳамқишлоқлари унутилмас кечада уни чин дилдан муборакбод этдилар.

Бобо Аълоев урушдан кейин ўқитувчиликни давом эттирди. Ўзбек тили ва адабиёти фанини ўтишда ҳамкасбларига намуна бўлди. Кўп йиллик ҳалол меҳнатлари муносиб тақдирланди: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонини олишга мушарраф бўлди. Айни кунларда ҳурматли ветеран ўзининг табаррук 70 ёшини қаршилаяпти. У Ромитан шаҳар Кенгашининг депутати, шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши, Энгельс номли маҳалла қўмитаси раиси сифатида ибратли фаолият юритмоқда.

— Ҳозирги кунда оғир дамларни бошдан кечиряпмиз, — дейди Бобо Аълоев. — Нарх-навонинг кўтарилганлиги, таъминотдаги камчиликлар ҳаёт кечиришни анча қийинлаштирди. Бироқ бундай пайтларда қўлни қўлга бериб, сидқидил тер тўкишимиз керак. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлса, албатта яхши кунлар яна қайтади. Ахир қудратли дўстлик туфайлигина фашистларни гумдон қилиб, Рейхстаг устига Ғалаба байроғини тикдик.

Собиқ жангчининг уйи шаҳардаги Ёдгорлик хиёбони ёнгинасида. У ҳар сафар шу жойдан ўтар экан, номаълум аскар хотирасига ўрнатилган ҳайкал, ромитанлик жасур йигит, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Эрнафас Хўжаев бюсти олдида сукут сақлайди. Оловли йилларда жон фидо қилган марду майдонларни хотирлайди, уларнинг қаҳрамонликлари олдида бош эгиб таъзим қилади.

**С. БЕШИМОВ.**



Ташаббускор коммунист, Арнасой район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раиси Холбой Мирзаев ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган, табаррук кишилардан биридир. У оловли йилларда Белград ва Харьков шаҳарларини немис босқинчиларидан озод қилишда мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Қўмондонликнинг махсус топшириқларини аъло даражада бажарди.

Урушдан қайтгач, партия ходими сифатида фаолият юритди. Ташаббускорлар сафида Самарқанддан Жиззах чўлига отланди. Арнасой районидаги Рокоссовский номли давлат хўжалигида 18 йил бўлим бошқарувчиси бўлди. Пахтачиликни ривожлантириш, мўл, арзон ва сифатли хом ашё етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратди. Умрдоши билан 7 нафар фарзандини меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялади. Ҳамқишлоқлари Холбой акани тиниб-тинчимас қалб соҳиби деб таърифлашади. Сабаби, ҳамиша муқаддас ташвишлар билан яшайди, ободончилик ишларига муносиб ҳисса қўшади. Ҳурматли ветераннинг жонбозлиги туфайли ҳашар йўли билан ажойиб боғ барпо этилди.

— Арнасой районида 400 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийси истиқомат қилади, — дейди Холбой Мирзаев. — Улар ҳамиша ўзларини сафда деб билиб, мўл-кўлчилик ишига муносиб ҳисса қўшишяпти. Уруш қатнашчиларидан Ҳамроқул Ризаев, Ўроқ Бобоев, Қодирқул Сатторқулов, Жазузоқ Қолдибеков, Норқул Хушвақтов, шунингдек I ва II даражали Шуҳрат ордени нишондори Зулфиқор Жайнаров ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Улар совет жангчиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги мислсиз қаҳрамонликлари, дўстлик кучқудрати хусусида ҳикоя қилишмоқда.

СУРАТДА: Арнасой район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раиси Холбой Мирзаев (ўртада) ва ҳурматли оқсоқоллар Ўроқбой Бобоев, Ҳамид Сулаймонов янги боғдаги мевали дарахтни кўздан кечиришяпти.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

## БИТМАС ЖАРОҲАТ

...Маросимга йиғилганлар паст овозда гаплашиб ўтирарканлар, дамба-дам элат оғасининг товуши суҳбатни бўлиб турарди.

— Момо ўзи асли қаерлик!

— Украинадан бўлса керак. Эри урушда ҳалок бўлгач, бир яшар ўғли билан шу ерга келиб қолган.

— Неча ёшга кирган экан!

— Саксон учга.

— Қариндошлари борми!

— Ҳеч кими йўқ.

— Ўғли!..

— Ўғли йигирма ёшга етганда мотоциклдан йиқилиб ҳалок бўлган эди.

— Вой бўй! Бечора марҳума дунёда оғир мусибатларга гирифтор бўлган экан-да!!

— Эй, нимасини айтасиз. Барига отинг ўчгур уруш сабабчи! Очарчилик. Эвакуация. Дарбадарлик...

...Муштдек гўдагини бағрига босиб мунғайиб турган аёлга овул кенгаши раиси раҳми келиб сўради:

— Исминг нима!

— Еременко Ольга.

— Сен ҳеч қаёққа кетмайсан, мана шу мактабнинг бир хонасини берамиз. Боланг билан яшай берасан. Фаррош бўлиб ишлайсан. Қисмима, ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

— Қувонганимдан йиғлаб юборибман, — деди ўшанда Ольга кўз ёшларини артиб.

Шундай қилиб у «Чалавош» овулида яшаб қолди ва улуғ даҳо Навоий бобомиз айтганларидек, элга қўшилиб эш топти!

Ольга ғайратли, тиниб-тинчимас, қалби покиза, тўғри сўзли инсон эди. Уни ҳамма ҳурмат қиларди. Ўғли аварияга учраб, бошига яна мусибат тушганида эл уни ёлғизлатиб қўймади. Мунтазам ёрдам қилишди. Ғамига шерик бўлдилар.

«Коммунизм», Ленин номли ўрта мактаб ўқувчилари навбатчилик ташкил қилиб, момонинг иссиқ-совуғидан хабар олдилар. У шодлигини, миннатдорчилигини «Дўстлик байроғи» рўзномаси саҳифаларида эълон қилди.

...Момони ҳамқишлоқлари сўнгги йўлга узатишди. Дафн маросимига Тўрткўл район ветеранлар кенгаши, район ҳарбий комиссариати, ижтимоий таъминот бўлими ҳамда бошқа ташкилотлардан вакиллар қатнашдилар.

Ҳа, мана шундай бағри кенг, инсонни қадрлайдиган, олижаноб халқимиз бор. Одамга эътибор — оламга эътибор!

Й. ТЎХТАБОЕВ.

## ФАХРИЙЛАР ХИЗМАТИДА

Фарғона шаҳрида яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда байналмилалчи жангчилар 9 май — Ғалаба куни арафасида муносиб совға олдилар. Шаҳарнинг Карл Маркс кўчасида уларга хизмат кўрсатувчи «Шуҳрат» фахрийлар дўкони иш бошлади. Бу дўкон шаҳар саноат моллари савдо бирлашмасига қарашли бўлиб, унда электр товарлари, кийим-кечак, тикув материаллари, чинни идишлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари билан ойига 27 минг сўмдан зиёд савдо хизмати кўрсатилади. Энди Фарғона шаҳрида ветеранлар учун хизмат қилаётган дўконлар сони учтага етди.



Қаҳрамонлар мангу барҳаёт, ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди. Чирчиқ шаҳрида Улуғ Ватан урушида жон фидо қилган марду майдонлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг умумий кўриниши.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## ИЗЛАРИ КЎЗИМИЗГА ТЎТИЁ



Ким эл-юрт иши учун камарбаста бўлса, унинг бахт-саодати учун курашса, ўз ҳаловатидан кечса, ундай инсон ардоқланади, авлодлар қалбида мангу яшайди. Ҳақберди Рўзиев ҳам шундай сиймолардан. Унинг ўтли умри эзгуликлар, элга меҳр-муҳаббат билан тўла.

Ёз чилласи эди. Косон район партия комитетининг навбатдаги йиғилишида биринчи котиб Жалил Ҳаққулов хўжаликларда ғўза парваришининг ёмон аҳволдалиги, ўсимликни бегона ўт босиб кетганлиги тўғрисида ташвишланиб гапирди, фаоллардан ёрдам сўради. Мажлис тугаши билан мен Энгельс номли жамоа хўжалигининг Ҳақберди Рўзиев бригадасига бордим. Ярим тунда бригада дала шийпонига етиб келдик. Раисни шу ерда учратдик.

Ҳовуз бўйидаги чорпояда икки киши суҳбатлашиб ўтирарди. Улардан бири бригада бошлиғи Ҳақберди Рўзиев, иккинчиси шийпон қоровули экан.

— Бемаҳалда бу ёқларда нима қилиб юрибсиз, комсомол? — сўради Ҳақберди ака. — Меҳмон, ногиронлик қурсин, ўриндан тургани ҳам қўймайди, айбга буюрмайсиз, — деб узр сўради.

Мен унинг бригадасига вакил бўлиб келганимни айтдим. У бир пиёла иссиқ чой узатаркан деди:

— Сизни бекорга овора қилишибди. Экинни ўт босган эмас, бостиргани ҳам қўймаймиз. Элимиз бор. Кўпдан қуён қочиб қутулмас. Ўзимиздан ортадиган иш йўқ. Ҳа, майли, шу баҳонада меҳмон бўлиб кетасиз. Келмаганингизга ҳам кўп бўлди.

Шийпон атрофидаги, ҳовуз ёқасидаги тол ва теракларнинг майин шитири, шўхчан оқаётган сувнинг ирмоқдай жилдираши, узоқ-яқиндан чигирткаларнинг чириллаши мени аллалагандай бўлди. Уйқу элитди. Тонгда уйғонсам, ёнимда Ҳақберди ака йўқ. Қоровул атрофни супуряпти. Шийпон, унинг теварагини кўздан кечирдим. Пахсадан бўлса ҳам дид билан қурилган экан. Олди айвонида юз киши дам олиши мумкин. Бир ёнда хотин-қизлар, иккинчи ёнда эркаклар учун алоҳида хоналар. Четдаги катта хона болаларники. Шийпон атрофидаги пахта пайкалларида бегона ўт кўринмайди. Олисроқда тонгги сукунатни бузиб трактор экинга ишлов беряпти. Елкасида кетмон кўтарган икки-уч киши эгатларга сув тарашяпти.

— Меҳмон, нонушта қилиб олинг, Ҳақберди акангиз ҳали-вери келмайди. Саҳарда дала айланмаса, одамлардан хабар олмаса кўнгли жойига тушмайди. Бу унга азалдан одат, — деди қоровул чорпоя устига дастурхон ёзаркан.

Ҳақберди Рўзиев гоҳо яёв, гоҳо отда қирқ йилдан ортиқ дала кезди, умри дашту биёбонларда ўтди.

Олтмиш етти йиллик умрида тиним билмади. 30-йилларда бригадирлар тайёрлаш курсида ўқиди. Совет Армияси сафида хизмат қилди. Отлиқ полкнинг аскари бўлди. Уч йилдан сўнг қишлоғига қайтиб, Косон ҳарбий комиссариатида хизматни давом эттирди. Улуғ Ватан урушининг илк палласида иккинчи марта армияга чақирилди. Хизматни отлиқ полкда давом эттирди. Жангларда мардлик кўрсатди. Шиддатли отишмалардан бирида оёғидан ажралди. 1944 йилда қўлтиқ таёқда она юртига қайтиб келди. Лекин мен ногиронман, қўлимдан энди иш келмайди деб, ғам-андуҳ чекмади. Майдон кўрган, ўт-олов ичида чиниққан жангчи Рўзиевни Энгельс номли жамоа хўжалигининг коммунистлари ўзларига сиёсий раҳбар этиб сайладилар. Ҳақберди ака қишлоқда кишиларни эзгу ишларга, яратувчиликка ундади, сафарбар этди. Ёшларни халқ ишига содиқ қолишга, ҳалол, покиза яшашга, эътиқодли бўлишга чорлади. Жамоа хўжалигининг (ҳозирги давлат хўжалиги) юксалишида, бугунги қиёфасида унинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Пахтачилик ривожи деб елиб-югурди. Одамларнинг ғамига, қувончига шерик бўлди. Далаларда мўл ҳосил битганда беҳад шодланди.

1961 йилди Ҳақберди Рўзиев жамоа фирқа қўмитаси котиблигини шогирдларидан бирига топширди. У Ушоқтепадаги пахтачилик бригадасига бош бўлди. Шу вазифада 10 йилдан ортиқ меҳнат қилди. Қолоқ жамоани илғорлар қаторига олиб чиқди. Косон районида биринчи бўлиб, ўз бригадаси ерига ингичка толали пахта уруғини қадади. Ҳақберди аканинг қўлтиқ таёққа суяниб, узоқ йиллар дала кезгани зое кетмади. Ипак пахта етиштиришда юксак натижага эришилди. Ҳақберди ака аввал жангчи, фирқа ходими сифатида элга танилган бўлса, энди у бободеҳқон номини олди. Катта-кичик анжуманларда, кенгашларда пахта илми устасининг сўзлари жаранглаб турди. У тажрибасини одамларга улашди. Пахтадан мўл ҳосил етиштиргани учун «Волга» машинаси билан тақдирланди. Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг икки марта кумуш медалини олди. Иттифоқ колхозчиларининг I съездига вакил бўлди. Уни кўп йиллар коммунистлар район ва вилоят партия қўмиталари конференцияларига вакил қилиб юборишди. Қишлоқ Советида 20 йилдан ортиқ муддат депутат сифатида фаолият кўрсатди. Унинг ташаббуси билан Ушоқтепа қишлоғида мактаб ва дала шийпони қурилди. Халқ хўжалигининг ривожидаги хизмати учун ордену медаллар ва бошқа ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтди. Жасур жангчи, донгдор деҳқон Ҳақберди Рўзиев орамизда йўқ. Фарзандлари, ёру дўстлари, замондошлари қалбида яшамоқда. У ҳаётда ўчмас из қолдирди. Пахтачиликда мактаб яратди. Яқинда бир гуруҳ дўстлари, шогирдлари билан хонадонида уни хотирлаб, ёдга олдик. Шогирди — Энгельс номли жамоа хўжалигининг собиқ раиси Маҳмараҳим Хуррамов шундай деди:

— Ҳақберди аканинг тақдири, умри жамоа хўжалигининг ривожига боғланган. Деҳқончиликда янги саҳифа очган бу инсон жамоанинг оқсоқоли эди. Бирон бир тадбир, тўю марака усиз ўтмасди. Ушоқтепа қишлоғининг ҳам «раиси», ҳам бригада бошлиғи эди. Бу участкадан доимо кўнглим тўқ эди. Зотан, бу ерда халқ дардига малҳам бўладиган бир зот истиқомат қиларди.

Пахтачилик бригадасининг собиқ бошлиғи, меҳнат фахрийси, моҳир пахтакор Ойбиби Баратова ҳам шуларни эслади:

— У киши билан уруш қийинчиликларини енгдик. Гоҳида оч-наҳор меҳнат қилардик. Устимиз кийимга ёлчимади. Ҳақберди ака уруш ногирони бўлса ҳам тани-жони соғ одамдан зиёд ишлади. Зўр иродали, камтар инсон эди. Ҳақберди Рўзиев деганда Ушоқтепа қишлоғи кўз ўнгимда гавдаланади.

Партия фахрийси Шодмон Файзиев, бригада бошлиғи Ўткир Темиров, Ҳақберди аканинг умр йўлдоши, ўн бир фарзанднинг онаси Ҳуким хола Исмоилова уни ихлосу эҳтиром билан эслашди.

Мени қаттиқ ташвишга солган жумбоқ бор: Ватан урушининг ногирони, одамлар бахти учун курашган меҳнат фахрийси, деҳқонлар сардори Ҳақберди Рўзиевнинг номини абадийлаштириш ҳақида на бирон киши, на бирон мутасадди ташкилот, на жамоа раҳбари қайғураётир. Марҳумлар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг ҳалол ҳаёт йўлини авлодларга етказишдек эзгу иш билан қачон шуғулланамиз. Ахир, бу тирикларнинг марҳумлар олдидаги бурчи эмасми?!

**И. АМИРҚУЛОВ.**

